Тошкент шаҳар ҳокимининг
2016 йил «_12_» ___июль___ даги
124/15-5 - сонли қарорига 2-Илова

**Юнусобод тумани**

“Қашқар” маҳалласи чегараси тавсифи

Амир Темур шоҳ ва Осиё кўчаларининг кесишган жойидан бошлаб, Амир Темур шоҳ кўчаси бўйлаб Амир Темур ҳиёбонини ўз ичига қамраган ҳолда Мовароуннаҳр кўчасига туташиб, Матбуотчилар кўчасидан Буюк Турон кўчасигача, Буюк Турон кўчасининг ўнг томони бўйлаб Ўзбекистон кўчасигача, Ўзбекистон кўчасининг ўнг томони бўйлаб Анҳор каналигача, Анҳор каналининг оқимига қарши Мустақиллик майдонини ўз ичига қамраб олган ҳолда Абдулла Қодирий кўчасидаги кўприккача. Абдулла Қодирий кўчасининг ўнг томони бўйлаб Амир Темур шоҳ кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Матонат” маҳалласи чегараси тавсифи

Анҳор канали ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишган жойдан бошлаб, Абдулла Қодирий кўчасининг чап томони бўйлаб Амир Темур шоҳ кўчасигача, Амир Темур шоҳ кўчасининг чап томони бўйлаб Осиё кўчаси билан кесишган жойгача, Осиё кўчасининг чап томони бўйлаб Осиё кўчасидаги Анҳор каналининг кўпригигача, Анҳор каналининг Шайхонтоҳур тумани билан чегарадош ҳудуди бўйлаб каналнинг Абдулла Қодирий кўчасидаги кўприккача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Буюк Турон” маҳалласи чегараси тавсифи

Амир Темур шоҳ ва Осиё кўчаларининг кесишган жойидан бошлаб, Осиё кўчасининг ўнг томони бўйлаб Осиё ва Бодомзор йўли кўчалари кесишган жойгача, Бодомзор йўли кўчасининг ўнг томони бўйлаб Ниёзбек йўли билан кесишган жойгача, Бодомзор йўли ва Ниёзбек йўли кўчалари кесишган жойдан Ниёзбек йўли кўчаси ва Мирзо Улуғбек тумани чегараси туташган жойгача, Мирзо Улуғбек тумани чегараси бўйлаб Олой кўчасигача, Олой кўчасининг ўнг томони бўйлаб Шаҳрисабз кўчасини кесиб ўтиб Хоразм

кўчасигача, Хоразм кўчасининг ўнг томони бўйлаб Хоразм ва Амир Темур шоҳ кўчалари кесишган жойгача, Хоразм ва Амир Темур шоҳ кўчалари кесишган жойдан Амир Темур шоҳ кўчаси ва Осиё кўчаларининг кесишган жойигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

## “Янги тарнов” маҳалласи чегараси тавсифи

Бодомзор йўли кўчаси бўйлаб Боғишамол кўчасигача, Боғишамол кўчаси бўйлаб Давлат белгисигача, Боғишамол кўчаси 160-уй манзилидаги “Пойтахт” технопаркигача, Янгитарнов 1-тор кўчаси манзилидаги “Сифатли ва тез махсус ишлар” масъулияти чекланган жамияти, “Тезкор сифатли қурилиш” масъулияти чекланган жамияти, “Mohir-Bek” масъулияти чекланган жамияти ҳудудларини ўз ичига қамраб олиб, Янги тарнов 1-тор кўчасигача, Янги тарнов 1-тор кўчаси бўйлаб Оққўрғон кўчасигача, Оққўрғон кўчаси бўйлаб Чимробод 3-тор кўчаси кўчасигача, Чимробод 3-тор кўчаси бўйлаб Тожиполвон кўчасигача, Тожиполвон кўчаси бўйлаб Қозитарнов кўчасини кесиб ўтиб Бодомзор йўли кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

## “Фирдавсий” маҳалласи чегараси тавсифи

Бодомзор йўли кўчаси ва Тожиполвон кўчалари кесишган жойдан бошланиб, Тожиполвон кўчаси бўйлаб Қозитарнов кўчасини кесиб ўтган ҳолда Чимробод 3-тор кўчаси кўчасигача, Чимробод 3-тор кўчаси бўйлаб Оққўрғон кўчасигача, Оққўрғон кўчаси бўйлаб Янгитарнов тор кўчасигача, Янги тарнов тор кўчаси бўйлаб Янги тарнов 1-тор кўчасигача, Янгитарнов 1-тор кўчаси бўйлаб Қўрғон 4-тор кўчасигача, Қўрғон 4-тор кўчаси бўйлаб Қўрғон 3-тор кўчасигача, Қўрғон 3-тор кўчаси бўйлаб Кичик халқа йўлигача, Кичик халқа йўли бўйлаб Мирзо Улуғбек тумани чегараси билан кесишмасигача, Мирзо Улуғбек тумани чегараси ва Оққўрғон ариғи бўйлаб Мудофаачилар кўчасигача, Мудофаачилар кўчаси бўйлаб Кичик халқа йўлигача, Кичик халқа йўли бўйлаб Бодомзор йўли кўчасигача, Бодомзор йўли кўчаси бўйлаб ва Тожиполвон кўчаси кесишган жойгача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Шайх Шивли” маҳалласи чегараси тавсифи

Амир Темур шоҳ кўчаси ва Боғишамол кўчалари кесишган жойдан, Боғишамол кўчаси бўйлаб Бодомзор йўли кўчаси кесишган жойгача, Бодомзор йўли кўчаси бўйлаб Кичик халқа йўли билан кесишган жойгача, Кичик халқа йўли кўчаси бўйлаб Амир Темур шоҳ кўчасигача, Амир Темур шоҳ кўчаси бўйлаб Боғишамол кўчаси билан кесишган жойгача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Мирзо Улуғбек” маҳалласи чегараси тавсифи

Амир Темур шоҳ ва Осиё кўчалари кесишган жойидан Амир Темур шоҳ кўчаси бўйлаб Кичик халқа йўлигача, Кичик халқа йўли бўйлаб Фирдавсий ва Мудофаачилар кўчалари кесишган жойгача, Мудофаачилар кўчаси бўйлаб Оққўрғон ариғигача, Оққўрғон ариғи бўйлаб Астрономия кўчаси 33-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Астрономия институтигача, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Астрономия институти ҳудудини ўз ичига олган ҳолда чегара девори бўйлаб Осиё кўчасигача, Осиё кўчасини кесиб ўтган ҳолда Осиё кўчаси манзилида жойлашган Тошкент ирригация ва мелиорация институтига қарашли 2, 3, 4-сонли ётоқхоналар биноларини, Қори Ниёзий кўчаси 39-уй манзилида жойлашган “Toshkentdonmahsulotlari” ОАЖга қарашли нонвойхона биносини, Иқтисодиёт ва бизнес коллежи биносини ўз ичига қамраб олган ҳолда Қори Ниёзий кўчаси 39-уй манзилида жойлашган Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги “INTERNATIONAL HOUSE-TOSHKENT” Академик лицейигача, Академик лицей худудини Оққўрғон ариғининг ўнг томони бўйлаб кесиб ўтган ҳолда Ниёзбек йўли кўчасигача, Ниёзбек йўли кўчаси бўйлаб Бодомзор йўли кўчасигача, Бодомзор йўли кўчаси бўйлаб Осиё кўчасигача, Осиё кўчаси бўйлаб Амир Темур шоҳ кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Минор” маҳалласи чегараси тавсифи

Амир Темур шоҳ кўчаси ва Осиё кўчаларининг кесишган жойидан бошланиб, Осиё кўчаси бўйлаб Шароф Рашидов кўчасини кесиб ўтиб Анҳор канали кўпригигача, Анҳор каналининг оқимига қарши Шайхонтоҳур тумани чегараси бўйлаб Кичик халқа йўлида жойлашган кўприккача, Кичик халқа

йўли бўйлаб Кўргазма кўчасигача, Кўргазма кўчаси бўйлаб Корхожаота кўчасигача, Корхожаота 5-тор кўчаси манзилидаги Бадиий гимнастика саройи ҳудудини айланиб ўтган ҳолда Амир Темур шоҳ кўчаси 109-уй манзилидаги Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш, телекоммуникациялар вазирлиги “Тошкент Радиотелекўрсатувлар узатиш маркази” ва “Alskom” очиқ акциядорлик жамияти суғурта компанияси ҳудудларини ўз ичига олган ҳолда Амир Темур шоҳ кўчасигача, Амир Темур шоҳ кўчаси бўйлаб Осиё кўчасигача бўлган ҳудудни ўз ичига олади.

“Турк Қўрғон” маҳалласи чегараси тавсифи

Кичик халқа йўли кўчасидаги Бўзсув канали кўпригидан бошлаб, Кичик халқа йўли бўйлаб Тахтапул Дарвоза кўчасигача, Тахтапул Дарвоза кўчаси бўйлаб Мискин кўчасигача, Мискин кўчаси бўйлаб Боғиравон кўчасигача, Боғиравон кўчаси бўйлаб Акмал Пўлат кўчасигача, Акмал Пўлат кўчаси бўйлаб Кўргазма кўчасигача, Кўргазма кўчаси бўйлаб Кичик халқа йўли кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Жомий” маҳалласи чегараси тавсифи

Уста Ширин ва Аҳмад Дониш кўчалари кесишувидан бошланиб, Аҳмад Дониш кўчасининг бўйлаб темир йўлгача, темир йўлнинг ўнг томони бўйлаб Мукаррама Турғунбоева 1-тор кўчасигача, Мукаррама Турғунбоева 1-тор кўчаси бўйлаб Мукаррама Турғунбоева кўчасигача, Мукаррама Турғунбоева кўчаси бўйлаб Боғиравон кўчасигача, Боғиравон кўчаси бўйлаб Мискин кўчасигача, Мискин кўчаси бўйлаб Тахтапул Дарвоза кўчасигача, Тахтапул Дарвоза кўчаси бўйлаб Уста Ширин кўчасигача, Уста Ширин кўчаси бўйлаб Аҳмад Дониш кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Янги Ариқ” маҳалласи чегараси тавсифи

Боғиравон ва Мукаррама Турғунбоева кўчалари кесишган жойдан бошланиб, Мукаррама Турғунбоева кўчаси бўйлаб Корхожаота 4-тор кўчасигача, Корхожаота 4-тор кўчаси бўйлаб Корхожаота кўчасигача, Корхожаота кўчасининг ўнг томони бўйлаб Ифтихор кўчасигача, Ифтихор кўчаси бўйлаб Ифтихор 6-тор кўчасигача, Ифтихор 6-тор кўчаси бўйлаб Фахри Камол кўчасигача, Фахри Камол кўчаси бўйлаб Ифтихор 3-тор кўчаси

кўчасигача, Ифтихор 3-тор кўчаси бўйлаб Ифтихор кўчасигача, Ифтихор кўчаси бўйлаб Акмал Пўлат кўчасигача, Акмал Пўлат кўчаси бўйлаб Боғиравон кўчасигача, Боғиравон кўчаси бўйлаб Боғиравон ва Мукаррама Турғунбоева кўчалари кесишган жойгача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

### “Уста Ширин” маҳалласи чегараси тавсифи

Акмал Пўлат ва Кўргазма кўчалари кесишган жойдан бошлаб, Кўргазма кўчасининг чап томони бўйлаб Корхожаота кўчасигача, Корхожаота кўчасининг чап томони бўйлаб Ифтихор кўчасигача, Ифтихор кўчасининг чап томони бўйлаб Ифтихор 6-тор кўчасигача, Ифтихор 6-тор кўчасининг чап томони бўйлаб Фахри Камол кўчасигача, Фахри Камол кўчасининг чап томони бўйлаб Ифтихор 3-тор кўчаси кўчасигача, Ифтихор 3-тор кўчаси кўчасининг чап томони бўйлаб Ифтихор кўчасигача, Ифтихор кўчасининг чап томони бўйлаб Акмал Пўлат кўчасигача, Акмал Пўлат кўчасининг чап томони бўйлаб Кўргазма кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

### “Ифтихор” маҳалласи чегараси тавсифи

Мукаррама Турғунбоева ва Корхожаота 4-тор кўчаси кесишган жойдан Корхожаота 4-тор кўчаси бўйлаб Корхожаота кўчасигача, Корхожаота кўчаси бўйлаб Ифтихор кўчасини кесиб ўтиб Кўргазма кўчасигача, Корхожаота 5-тор кўчаси манзилида жойлашган Бадиий гимнастика саройи, Ифтихор кўчаси 1-уй манзилида жойлашган Сув спорт саройи ҳамда Юнусобод теннис мажмуаси ҳудудларини ўз ичига қамраб олган ҳолда Амир Темур шоҳ кўчасигача, Амир Темур шоҳ кўчасидан темир йўлгача, темир йўл бўйлаб Мукаррама Турғунбоева 1-тор кўчасигача, Мукаррама Турғунбоева 1-тор кўчаси бўйлаб Мукаррама Турғунбоева кўчасигача, Мукаррама Турғунбоева кўчаси бўйлаб Корхожаота 4-тор кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

### “Шаҳристон” маҳалласи чегараси тавсифи

Оқилота ва Амир Темур шоҳ кўчалари кесишган жойдан Амир Темур шоҳ кўчаси бўйлаб темир йўлгача, темир йўл бўйлаб Шаҳристон кўчаси 85-уй қаршисигача, Шаҳристон кўчаси 85-уй ва якка тартибдаги турар жой

бинолари орасидаги кўчанинг ўнг тарафи бўйлаб Шаҳристон кўчасигача, Шаҳристон кўчаси бўйлаб Хисор тор кўчасигача, Хисор тор кўчаси бўйлаб Шураб кўчасигача, Шураб кўчаси бўйлаб “Оқилота” қабристони чегарасигача, “Оқилота” қабристони чегараси бўйлаб Оқилота кўчасигача, Оқилота кўчаси бўйлаб Амир Темур шоҳ кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Анорзор” маҳалласи чегараси тавсифи

Амир Темур шоҳ ва Оқилота кўчалари кесишган жойдан бошланиб Оқилота кўчаси бўйлаб “Оқилота” қабристони чегарасигача, “Оқилота” қабристони ҳудудини ўз ичига қамраб олган ҳолда Ғайратий кўчасигача, Ғайратий кўчаси бўйлаб Аҳмад Дониш кўчаси манзилидаги 7-сонли шаҳар клиник шифохонаси чегарасигача, 7-сонли шаҳар клиник шифохонаси чегараси бўйлаб Аҳмад Дониш кўчасигача, Аҳмад Дониш кўчаси бўйлаб 2-мавзе 37-уйгача, 2-мавзе 37-уйни айланиб ўтиб, Аҳмад Дониш кўчаси 28-уй манзилидаги Туризм коллежи, 2-мавзеда жойлашган 31-сонли Меҳрибонлик уйи ҳамда “O'zelektrotarmoq” Давлат корхонасига тегишли спорт мажмуаси чегараси бўйлаб 2-мавзе 11-уйгача, 2-мавзе 11, 12 ва 38-уйлар ҳамда Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг чегарасини айланиб ўтиб Амир Темур шоҳ кўчасигача, Амир Темур шоҳ кўчаси бўйлаб Оқилота кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Хусниобод” маҳалласи чегараси тавсифи

Юнусобод тумани 2-мавзе Аҳмад Дониш кўчасидаги 37-уй, Аҳмад Дониш кўчаси 28-уй манзилидаги Туризм коллежи, 2-мавзеда жойлашган 31-сонли Меҳрибонлик уйи ҳамда “O'zelektrotarmoq” Давлат корхонасига тегишли спорт макциядорлик жамияти чегарасини ўз ичига олган ҳолда 2-мавзе 11-уйгача, 2-мавзе 11, 12 ва 38-уйни ҳамда Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг чегарасини ўз ичига қамраб олган ҳолда Амир Темур шоҳ кўчасигача, Амир Темур шоҳ кўчаси бўйлаб Аҳмад Дониш кўчасидаги кўприккача, Аҳмад Дониш кўчасидаги кўприкдан 2-мавзе Аҳмад Дониш кўчасидаги 37-уйгача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Адолат” маҳалласи чегараси тавсифи

Аҳмад Дониш ва Мойқўрғон кўчалари кесишган жойдан бошланиб Мойқўрғон кўчаси бўйлаб Мойқўрғон кўчасида жойлашган АҚШ элчихонаси чегарасигача, Мойқўрғон кўчасида жойлашган АҚШ элчихонаси чегараси бўйлаб “Акфа Алюминиум” масъулияти чекланган жамиятига тегишли ҳудудини ўз ичига қамраб олган ҳолда 50-сонли кўп қаватли турар жой биносигача, мавзе оралиғидаги кўчанинг ўнг томонида жойлашган 54, 55, 56, 57, 58, 59-сонли кўп қаватли турар жой бинолари, 91-сонли мактабгача таълим муассасаси ҳамда 4, 14, 15, 29, 30, 31-сонли кўп қаватли турар жой биноларини қамраб олган ҳолда Аҳмад Дониш кўчасигача, Аҳмад Дониш кўчасининг ўнг томони бўйлаб Мойқўрғон кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Биллур” маҳалласи чегараси тавсифи

Амир Темур шоҳ ва Аҳмад Дониш кўчаларининг кесишган жойидан бошлаб, Аҳмад Дониш кўчасининг ўнг томони бўйлаб кўп қаватли 1 ва 4-сонли турар жой бинолари оралиғидаги кўчагача, 1 ва 15-сонли кўп қаватли турар жой бинолари оралиғидан ўтиб 7, 10, 11, 12, 13, 11, 32, 33, 24, 49, 50, 51, 52-сонли кўп қаватли турар жой бинолари ҳамда 460-сонли мактабгача таълим муассасасини ўз ичига қамраб олган ҳолда “Хонест Бизнес Сервис” масъулияти чекланган жамияти ҳудудигача, Қулоқтепа кўчаси манзилида жойлашган “Хонест Бизнес Сервис” масъулияти чекланган жамияти ва “Аршмит Трейдинг” масъулияти чекланган жамияти ҳудудларини ўз ичига қамраб олган ҳолда Қулоқтепа кўчасигача, Қулоқтепа кўчасининг ўнг томони бўйлаб 4-мавзени ўз ичига олган ҳолда Аҳмад Дониш ва Амир Темур шоҳ кўчалари кесишувидаги кўприккача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Астробод” маҳалласи чегараси тавсифи

Юқори Қорақамиш ва Қулоқтепа кўчаларининг туташган жойидан бошлаб, Қулоқтепа кўчасининг ўнг томони бўйлаб Ташқи иқтисодий фаолият “Миллий банки”га тегишли коттеджлар ҳудудигача, Қулоқтепа кўчаси манзилида жойлашган Ташқи иқтисодий фаолият “Миллий банки”, “Ока Азия” қўшма корхонаси, “Мақсад Истиқлол” масъулияти чекланган

жамиятига тегишли коттеджлар ҳудудини ҳамда Америка Қўшма Штатлари элчихонаси ҳудудини ўз ичига қамраб олган ҳолда Мойқўрғон кўчасигача, Мойқўрғон кўчасининг ўнг томони бўйлаб Юқори Қорақамиш кўчасигача, Юқори Қорақамиш кўчасининг ўнг томони бўйлаб Қулоқтепа кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Туркистон” маҳалласи чегараси тавсифи

Юқори Қорақамиш ва Мойқўрғон кўчаларининг туташган жойидан бошлаб, Мойқўрғон кўчасининг ўнг томони бўйлаб 5-мавзе чегарасигача, 5-мавзе чегараси ўнг томони бўйлаб Еттичинор кўчасини кесиб ўтиб Еттичинор ва Еттичинор 1-тор кўчасида жойлашган якка тартибдаги турар жой биноларни ўз ичига олган ҳолда 6-мавзе, 17б-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли 2-сонли автобаза ҳудудигача, 2-сонли автобаза ҳамда 6-мавзе манзилида жойлашган “Mashimpeks” масъулияти чекланган жамияти, “Isfijop-Savdo” хусусий фирмаси, “Bunyodkor Kompleks Invest” масъулияти чекланган жамияти, “Mash Qurilish Invest Biznes” масъулияти чекланган жамияти ҳудудларини ўз ичига олган ҳолда ушбу ҳудудлар олдидаги кўчанинг ўнг томони ва 48,50-уйлар ўртасидаги кўча бўйлаб темир йўлгача, темир йўлнинг ўнг томони бўйлаб Мойқўрғон ариғигача, Мойқўрғон ариғи бўйлаб 6-мавзе манзилидаги 4-сонли Шимолий иссиқлик маркази ҳудудини ўз ичига қамраб олган ҳолда Юқори Қорақамиш кўчасигача, Юқори Қорақамиш кўчасининг ўнг томони бўйлаб Мойқўрғон кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Ғайратий” маҳалласи чегараси тавсифи

Аҳмад Дониш кўчасида жойлашган 7-сонли шаҳар шифохонаси чегарасидан 7-сонли шаҳар шифохонаси ҳудудидни ўз ичига қамраб олган ҳолда Ғайратий кўчасигача, Ғайратий кўчасининг ўнг томони бўйлаб Ғайратий кўчаси 79а-уй манзилида жойлашган нонвойхона биносини ўз ичига қамраб олган ҳолда “Оқилота” қабристони чегарасигача, “Оқилота” қабристони ва Ғайратий кўчасининг ўнг томони бўйлаб Шуроб кўчасигача, Шуроб кўчасининг ўнг томони бўйлаб Хисор тор кўчасигача, Хисор тор кўчасининг ўнг томони бўйлаб Шаҳристон кўчасигача, Шаҳристон кўчасини кесиб ўтиб, Шаҳристон кўчасидаги 85-сонли кўп қаватли турар жой ва якка тартибдаги турар жой бинолари орасидаги йўл бўйлаб темир йўлгача, темир

йўлнинг ўнг томони бўйлаб Жумамасжид кўчасидаги 48-сонли якка тартибдаги турар жой биносигача, Жумамасжид кўчасидаги 48 ва 50-сонли якка тартибдаги турар жой бинолар ўртасидаги кўча бўйлаб Еттичинор 1-тор кўчасида жойлашган якка тартибдаги турар жой биноларигача, Еттичинор 1-тор кўчасида жойлашган якка тартибдаги турар жой биноларини айланиб ўтган ҳолда 5-мавзедаги 23-сонли кўп қаватли турар жой биносигача, 5-мавзедаги 16, 18, 19 ва 23-сонли кўп қаватли турар жой биноларини айланиб ўтган ҳолда Аҳмад Дониш кўчаси манзилидаги “Meridian Agro” масъулияти чекланган жамиятига қарашли иссиқхона ҳудудигача, “Meridian Agro” масъулияти чекланган жамиятига қарашли иссиқхона ва Аҳмад Дониш кўчаси манзилида жойлашган “UzGazOil” масъулияти чекланган жамиятига қарашли Автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчаси ҳудудларини айланиб ўтган ҳолда Аҳмад Дониш кўчасигача, Аҳмад Дониш кўчасининг ўнг томони бўйлаб 7-сонли шаҳар шифохонасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Қўшчинор” маҳалласи чегараси тавсифи

Мойқўрғон ва Аҳмад Дониш кўчалари кесишган жойдан бошлаб, Аҳмад Дониш кўчаси манзилида жойлашган “UzGazOil” масъулияти чекланган жамиятига қарашли автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчаси ҳудудигача, 12, 16, 18, 19, 23-сонли кўп қаватли турар жой бинолари ҳамда Аҳмад Дониш кўчаси манзилидаги “Meridian Agro” масъулияти чекланган жамиятига қарашли иссиқхона ҳудуди ва Аҳмад Дониш кўчаси манзилида жойлашган “UzGazOil” масъулияти чекланган жамиятига қарашли автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчаси ҳудудини ўз ичига олган ҳолда Еттичинор кўчасигача, Еттичинор кўчасидан 1,2-сонли кўп қаватли турар жой биноларини 5-мавзе, 1-уй манзилида жойлашган “Oq tun” масъулияти чекланган жамиятига қарашли дўкон биносини ўз ичига олган ҳолда Мойқўрғон кўчасигача, Мойқўрғон кўчасининг ўнг томони бўйлаб Аҳмад Дониш кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Собиробод” маҳалласи чегараси тавсифи

Қулоқтепа ва Юқори Қорақамиш кўчаларининг тутушган жойидан бошлаб, Қорақамиш ариғи бўйлаб 9 ва 10-мавзелар оралиғидаги кўчагача, Ушбу кўчанинг ўнг томони бўйлаб Уч қаҳрамон кўчасигача, Уч қаҳрамон кўчасининг ўнг томони бўйлаб Қулоқтепа кўчасигача, Қулоқтепа кўчасининг

ўнг томони бўйлаб Юқори Қорақамиш кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Нурмакон” маҳалласи чегараси тавсифи

Қулоқтепа кўчасининг ўнг томон бўйлаб 1а-сонли кўп қаватли турар жой биноси бошидан 1 сонли кўп қаватли турар жой биноси якуни, Қулоқтепа кўчаси ва Уч қаҳрамон кўчаси кесишмасигача, Уч қаҳрамон кўчаси бўйлаб ўнг томондаги 1, 44, 45, 46, 50-сонли кўп қаватли турар жой биноларини ўз ичига қамраб олган ҳолда 2-сонли кўп қаватли турар жой биноси якунигача, 2-сонли кўп қаватли турар жой биноси ёқалаб 206-сонли мактабгача таълим муассасасигача, ўз ичига 41-сонли 2-сонли кўп қаватли турар жой биносини қамраб олган ҳолда 260-сонли умумий ўрта таълим мактаби орқа тарафигача, 260-сонли умумий ўрта таълим мактаби ўнг тарафи бўйлаб 19-сонли кўп қаватли турар жой биносини ўз ичига қамраб олган ҳолда Қулоқтепа кўчаси 1а-сонли кўп қаватли турар жой биноси бошланиши кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Мингчинор” маҳалласи чегараси тавсифи

Қулоқтепа кўчаси ўнг томон бўйлаб 39-сонли кўп қаватли турар жой биноси бошидан 22-сонли кўп қаватли турар жой биноси якунигача, 22-сонли кўп қаватли турар жой биноси якуни ўнг тарафи бўйлаб 3, 4, 9, 10, 14, 16-кўп қаватли турар жой биноларни ўз ичига қамраб олган ҳолда Фароғат кўчасигача, Фароғат кўчасининг ўнг томони бўйлаб Амир Темур шоҳ кўчасигача, Амир Темур шоҳ кўчаси ўнг тараф бўйлаб Қулоқтепа кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Йўларик” маҳалласи чегараси тавсифи

288-сонли мактабгача таълим муассасаси чегарасидан бошлаб, 12 ва 16-сонли кўп қаватли турар жой биноларининг ён томони ва Амир Темур шоҳ кўчаси 79-уй манзилида жойлшаган “Avtotexxizmat” очиқ акциядорлик жамияти ҳудуди бўйлаб Амир Темур шоҳ кўчасигача, Амир Темур шоҳ кўчасининг ўнг томони бўйлаб 34-сонли кўп қаватли турар жой биноси ва 1-сонли якка тартибдаги турар жой биноси оралиғидан ўнг томондан Фароғат кўчасигача, Фароғат кўчасидан 260-сонли ўрта таълим мактаби чегараси

бўйлаб 206-сонли мактабгача таълим муассасаси чегарасигача, 206-сонли мактабгача таълим муассасаси чегараси билан 41-сонли кўп қаватли турар жой биноси рўпарасидан Йўлариқ кўчасигача, Йўлариқ кўчасининг ўнг томони бўйлаб Уч қаҳрамон кўчасигача, Уч қаҳрамон кўчаси бўйлаб 265-сонли ўрта таълим мактаби чегарасигача, 265-сонли ўрта таълим мактаби ва 288-сонли мактабгача таълим муассасаси чегараси бўйлаб 12-сонли кўп қаватли турар жой бинонинг ён томонигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Уч қаҳрамон” маҳалласи чегараси тавсифи

Юнусобод тумани 9 ва 10-мавзеси чегараси оралиғидаги кўча бўйлаб Қорақамиш ариғигача, Қорақамиш ариғи бўйлаб Тошкент халқа автомобиль йўлигача, Тошкент халқа автомобиль йўлининг ўнг томони бўйлаб Амир Темур шоҳ кўчасигача, Амир Темур шоҳ кўчаси 79-уй манзилида жойлашган “Avtotexxizmat” очиқ акциядорлик жамияти ҳудуди бўйлаб 288-сонли мактабгача таълим муассасаси чегарасигача, 288-сонли мактабгача таълим муассасаси ва 265-сонли ўрта таълим мактаби чегараси билан ўнг тарафдаги номсиз кичик кўча бўйлаб 28-якка тартибдаги турар жой биноси чегарасидан 29-якка тартибдаги турар жой биноси чегарасигача, 29-якка тартибдаги турар жой биноси олдидан ўнг тарафдаги номсиз кичик кўча бўйлаб 10-мавзе 1-уй манзилида жойлашган “O'zbekiston pochtasi” очиқ акциядорлик жамиятининг 212-сонли алоқа бўлимига ҳудудигача, 212-сонли алоқа бўлими ҳудудидан 9 ва 10-мавзелар чегараси оралиғидаги кўчагача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Боғишамол” маҳалласи чегараси тавсифи

Амир Темур ва Аҳмад Дониш кўчалари кесишувидаги кўприкдан бошлаб, Амир Темур шоҳ кўчаси бўйлаб 29 ва 34-сонли кўп қаватли турар жой бинолари оралиғидаги кўчагача, 8, 9, 29, 30-сонли кўп қаватли турар жой биноларни ҳамда 240-сонли ўрта таълим мактабини ўз ичига қамраб олган ҳолда Аҳмад Дониш кўчасигача, Аҳмад Дониш кўчаси ўнг томони бўйлаб Амир Темур шоҳ ва Аҳмад Дониш кўчалари кесишувидаги кўприккача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Боғиэърам” маҳалласи чегараси тавсифи

Амир Темур шоҳ кўчаси бўйлаб 29 ва 34-сонли кўп қаватли турар жой бинолар оралиғидаги кўчадан бошлаб, Аҳилобод кўчасигача, Аҳилобод кўчасининг ўнг томони бўйлаб Аҳмад Дониш кўчасигача, Аҳмад Дониш кўчасининг ўнг томони бўйлаб 8 ва 52-сонли кўп қаватли турар жой бинолар оралиғидаги кўчасигача, 8 ва 52-сонли кўп қаватли турар жой бинолар оралиғидаги кўча бўйлаб 31, 32, 34-сонли кўп қаватли турар жой биноларни ҳамда 202 ва 263-сонли мактабгача таълим муассасалари ҳудудларини ўз ичига қамраб олган ҳолда Амир Темур шоҳ кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Кулолқўрғон” маҳалласи чегараси тавсифи

Аҳилобод ва Амир Темур шоҳ кўчалари кесишган жойидан бошлаб, Амир Темур шоҳ кўчасининг ўнг томони билан Кулолқўрғон 7-тор кўчасигача, Кулолқўрғон 7-тор кўчасининг ўнг томони бўйлаб Қулолқўрғон 9-тор кўчасигача, Кулолқўрғон 9-тор кўчасининг ўнг томони бўйлаб 18-сонли кўп қаватли турар жой биносигача, 16, 17, 18-сонли кўп қаватли турар жой биноларини айланиб ўтиб 163-сонли мактабгача таълим муассасаси чегарасигача, 163-сонли мактабгача таълим муассасаси чегараси бўйлаб 11-сонли кўп қаватли турар жой биноси чап томони билан Кулолқўрғон кўчасигача, Кулолқўрғон кўчасининг ўнг томони бўйлаб лойиҳадаги Юнусота кўчасигача, лойиҳадаги Юнусота кўчасининг ўнг томони бўйлаб Аҳмад Дониш кўчасигача, Аҳмад Дониш кўчасининг ўнг томони бўйлаб Аҳилобод кўчасигача, Аҳилобод кўчасининг ўнг томони бўйлаб Амир Темур шоҳ кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Янгиҳаёт” маҳалласи чегараси тавсифи

Амир Темур шоҳ ва Тошкент халқа автомобиль йўлининг кесишган жойидан бошлаб, Тошкент халқа автомобиль йўли кўчасининг ўн томони билан Аҳмад Дониш кўчасигача, Аҳмад Дониш кўчасининг ўнг томони бўйлаб Юнусота кўчасигача, лойиҳадаги Юнусота кўчаси ўнг томони бўйлаб Кулолқўрғон кўчасигача, Кулолқўрғон кўчасининг ўнг томони бўйлаб 11-сонли кўп қаватли турар жой биносини айланиб ўтган ҳолда 163-сонли мактабгача таълим муассасаси чегарасигача, 163-сонли мактабгача таълим

муассасаси ҳудудини ва 16, 17, 18-сонли кўп қаватли турар жой биноларини ўз ичига олган ҳолда Кулолқўрғон 9-тор кўчасигача, Кулолқўрғон 9-тор кўчасиниг ўнг томони бўйлаб Кулолқўрғон 7-тор кўчасигача, Кулолқўрғон 7-тор кўчасининг ўнг томони бўйлаб Амир Темур шоҳ кўчасигача, Амир Темур шоҳ кўчасидан Тошкент халқа автомобиль йўли кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Халқабоғ” маҳалласи чегараси тавсифи

Аҳмад Дониш ва Ҳиёбон кўчаси кесишган жойдан бошлаб, Ҳиёбон кўчасининг чап томони бўйлаб 47-сонли мактабгача таълим муассасасигача, 47-сонли мактабгача таълим муассасаси, 16-мавзе 18а-уй манзилида жойлашган “Nursulton Savdo” масъулияти чекланган жамияти ҳудуди ва 14, 16, 18-сонли кўп қаватли турар жой биноларини ўз ичига олган ҳолда Тошкент халқа автомобиль йўли кўчасигача, Тошкент халқа автомобиль йўли кўчасининг чап томони бўйлаб Аҳмад Дониш кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Мурувват” маҳалласи чегараси тавсифи

Аҳмад Дониш ва Юнусота кўчаси кесишган жойдан бошлаб, Юнусота кўчасининг чап томони бўйлаб 16-сонли кўп қаватли турар жой биносигача, 15-мавзе Аҳмад Дониш ва Юнусота кўчалари манзилида жойлашган “Fortis Building” масъулияти чекланган жамияти ҳудуди ва 1, 2, 3, 4, 8, 9, 10, 11, 12-сонли кўп қаватли турар жой биноларини ўз ичига олган ҳолда 15-мавзе 72а-уй манзилида жойлашган “Barkamol avlod” Республика болалар марказигача, мавзе оралиғидаги кўчанинг чап томони бўйлаб “Barkamol avlod” Республика болалар маркази, 15-мавзе 70б-уй манзилида жойлашган Исраилова Назира Кабиловнага тегишли ҳудуд ҳамда 15-мавзе 71б, 72б-уйлар манзилида жойлашган “Turon Bank” акциядорлик тижорат банки ҳудудини ва 67, 68, 69, 70, 78, 80, 81, 82-сонли кўп қаватли турар жой биноларни ўз ичига олган ҳолда Ҳиёбон кўчасигача, Ҳиёбон кўчасининг чап томони бўйлаб Аҳмад Дониш кўчасигача, Аҳмад Дониш кўчасининг чап томони бўйлаб Юнусота кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Аҳмад Дониш” маҳалласи чегараси тавсифи

Юнусота кўчаси ва 31-сонли кўп қаватли турар жой бино кесишган жойдан бошлаб, 31 ва 43-сонли кўп қаватли турар жой бинолари оралиғидаги кўчанинг чап томони бўйлаб 38, 39, 40, 41-сонли кўп қаватли турар жой биноларни ўз ичига олган ҳолда 247-сонли ўрта таълим мактабигача, 273-сонли ўрта таълим мактаби ва 20, 21, 22, 23-сонли кўп қаватли турар жой биноларини ўз ичига олган ҳолда 156-сонли мактабгача таълим муассасасигача, 156-сонли мактабгача таълим муассасаси ва 13, 14, 15-сонли кўп қаватли турар жой биноларини ўз ичига олган ҳолда 15-мавзе, Аҳмад Дониш ва Юнусота кўчалари манзилида жойлашган “Fortis Building” масъулияти чекланган жамияти ҳудудигача, “Fortis Building” масъулияти чекланган жамияти ҳудудини айланиб ўтган ҳолда Юнусота кўчасигача, Юнусота кўчасининг чап томони бўйлаб 31 ва 43-сонли кўп қаватли турар жой бинолари оралиғидаги кўчагача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Ўзбекистон Мустақиллиги” маҳалласи чегараси тавсифи

Юнусота кўчаси ва 43-сонли кўп қаватли турар жой биноси кесишган жойдан бошлаб, 42, 43, 44, 45, 60, 66, 67-сонли кўп қаватли турар жой бинолар ва 15-мавзе манзилида жойлашган “O’zbekiston Mustaqilligi” маҳалла фуқаролар йиғини идорасини ўз ичига олган ҳолда 273-сонли ўрта таълим мактаби олдидаги мавзе оралиғи кўчасигача, мавзе оралиғидаги кўчанинг ўнг томони бўйлаб 59, 64, 65-сонли кўп қаватли турар жой биноларни ўз ичига олган ҳолда Ибрагимов кўчасигача, Ибрагимов кўчасининг ўнг томони бўйлаб Юнусота кўчасигача, Юнусота кўчасининг ўнг томони бўйлаб 31-сонли кўп қаватли турар жой биносигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Юнусота” маҳалласи чегараси тавсифи

Аҳмад Дониш ва Юнусота кўчалари кесишган жойдан бошлаб, Юнусота кўчаси бўйлаб 30-сонли кўп қаватли турар жой биносигача, 14-мавзе манзилида жойлашган “Тинчлик” маҳалла фуқароролар йиғини идораси ва 14-мавзе манзилида жойлашган “Samandarshax-Farm” масъулияти чекланган жамияти оралиғидаги кўча бўйлаб 25, 26, 63-сонли кўп қаватли турар жой биноларни ўз ичига олган ҳолда 498-сонли мактабгача таълим

муассасасигача, Машинасозлик коллежи ҳудудини ўз ичига қамраб олган ҳолда Аҳрорobод кўчасигача, Аҳроробод кўчасининг ўнг томони бўйлаб Аҳмад Дониш кўчасигача, Аҳмад Дониш кўчасининг ўнг томони бўйлаб Юнусота кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Янгибоғ” маҳалласи чегараси тавсифи

